

YOSHLAR OVOZI

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ, ЯХШИ ЯШАШГА ИНТИЛИШИ ВА ИШТИЁКИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 19-20 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.

Президентимиз 2017 йил 2-3 июнь кунлари вилоятга ташири чотида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишар экан, бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берган эди. Утган вақт мобайнида ана шу йуналишда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Утган йилги таширидан сўнг ишлаб чиқарилган 2017-2018 йилларга мўжазланган дастурга мувофиқ, вилоятда 2017 йилда умумий қиймати 1,5 триллион сўм бўлган 3 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида иқтисодий-ижтимоий соҳаларда сезиларли ўсишга эришилди. Мухими, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди, яхши яшашга интилиш ва иштиёқи ортди. Бу юртимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг муҳим самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг Андижонга бу гаги сафари давомида аввалги ташири асосида берилган топшириқлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар ижросининг бориши, аҳолининг талаб-эhtiёжи билан бевосита танишиш ва бу борадаги келгуси режаларни белгилаш диққат марказида бўлди.

Президентимиз ўтган йили Андижон тумани Хакан қишлоғида "Milana textile" масъулияти чекланган жамиятининг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш лойиҳаси билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил

23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 9 миллиард сўм инвестиция киритиш, 200 янги иш ўрни яратиш шарти билан корхонага Хакан қишлоғида бир гектар ер майдони ва фойдаланилмай турган бино "ноль" қийматда берилди.

Корхона "Алоқабанк" вилоят филиалидан олинган 2 миллион сўм кредит ҳамда 7 миллион сўм ўз маблағи ҳисобидан уч қаватли бино қуриб, замонавий жиҳозлади. Хориждан келтирилган тикув дастгоҳлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Бу ерда аёллар ва болалар учун ишлаб чиқариладиган 20 дан ортиқ турдаги трикотаж маҳсулотларининг асосий қисmini экспорт қилиш режалаштирилган. Энг муҳими, фабрика ишга туширилиши билан тумандаги 200 нафардан ортиқ хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Шу ерда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурининг Андижон вилояти мисолидаги концепцияси намойиш қилинди. Ушбу дастур меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик, хунармандлик, фермерлик, касана-чиликка ўргатиш орқали уларга даромад манбаи яратиб беришга қаратилган.

— Андижонда аҳоли зич жойлашган. Бир-иккита завод бир фойз аҳолининг иш билан таъминлай олмади. Бу ерда одамларни фақат тадбиркорлик, хунармандлик орқали боқиш мумкин. Хонадонларга маблағ ва зарур ускуналар бериб, иш юритишни ўргатсак, одамлар ўзини ўзи боқадди. Оиласини озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлашга қийналмайди.

Сарфлаган пулимиз бир йилдан кейин икки ҳисса бўлиб қайтади. Одамларни қўлаб-қувватлаш, тадбиркорликка ўргатишнинг иқти-

содий механизми мана шундай бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Андижон вилоятига ўтган йилги ташири чотида дори-дармон ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳам топшириқлар берган эди. Ушбу курсатмалар ижросини таъминлаш мақсадида Андижон туманидаги "Zamin Bio Health" масъулияти чекланган жамияти инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш корхонасини барпо этди.

Тумanning Хартум қишлоғида жойлашган бу завод Марказий Осиёда ягона бўлиб, йилга 10 миллион флакон дори воситаси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Шу пайтгача инсулин юртимизга четдан келтирилган. Заводнинг ишга туширилиши билан ушбу дори воситаси импорти ҳажми камайди, валюта тежалади, қолаверса, нарх пасаяди. Масалан, ҳозирги пайтда бир флакон инсулиннинг бозор нархи 36 минг сўм бўлса, мазкур корхона бу дорини 20 минг сўмдан етказиб бериши мумкин.

Лойиҳа қиймати қарийб 28 миллиард сўм бўлган заводга Германия, Франция, Швейцария, Хитой, Ҳиндистондан замонавий ускуна ва технологиялар келтириб ўрнатилди.

— Бу жуда долзарб ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа, — деди Шавкат Мирзиёев завод мутасаддилари билан мулоқотда. — Инсулинга эhtiёжи бор бемор дори тополмас, ҳаёти хавф остида қолади, чорасини кўрмаган, деб биздан норози бўлади.

Президентимиз маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бозорга кириб, рақобатбардор бўлувчи уларни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш, дори субстанцияларини рўйхатдан ўтказишга қўмақлашиш бўйича топшириқлар берди.

(Давоми 2-саҳифада)

АНЖУМАН

ВАТАН, ДЎСТЛИК ВА БАХТЛИ БОЛАЛИК УЧУН!

Шу шиор остида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва

"Камалак" болалар ташкилоти сардорларининг анжумани бўлиб ўтмоқда



Шаҳрисабз туманидаги "Лочин" болалар соғломлаштириш оромгоҳида старт олган лойиҳада 800 нафардан зиёд фаол ва ташаббускор ўғил-қиз иштирок этмоқда.

Сардорларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг йил давомида амалга оширган ишларини сарҳисоб қилиш ҳамда келгусидаги вазифаларни белгилашни мақсад қилган анжуман Ўзбекистон болалар парлади билан бошланди. Қайд этиш керак, мазкур воқеа юртимиз учун янгиликдир. У 5 минг нафарга яқин ўқувчини қамраб олди. Шунингдек, чоршанба "Аҳил оила кўни" деб белгиланди. Жорий йилда мамлакатимизда "Ибратли оила" кўрик-танлови ўтказилиб, оилаларнинг рамзий мадҳияси ҳам яратилди.

Мулоқот жараёнида йигит-қизларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари тинганди. Яқинда мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА



имкониятлар. "Камалак" болалар ташкилотининг баркамол авлоди воёга етказишгаги ўрни хусусида сўз юритилди.

— Ёшларни Ватан тараққиёти йулида бирлаштиришни хоҳлаймиз, — дейди "Камалак" болалар ташкилоти раиси

киришди. Маалаки мутахассислар томонидан уларга жамоани шакллантириш, ёшларни бир мақсад йулида бирлаштириб, фаолигини ошириш борасида тегишли маслаҳат ва курсатмалар берилди. Иштирокчилар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазала-



Муроджон Зўфаров. — Жорий йилги анжуманда илк маротаба Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сардорлари ва "Сардорлар мактаби" координаторлари ҳам иштирок этмоқда. Олти кун давомида улар ташкилот фаолиятини такомиллаштириш, ёшлар билан ишлашда янги усуллари жорий этиш бўйича ўзаро фикр алмашиб, бу борадаги лойиҳаларни тақдим этди. Анжуманнинг асосий қисмида сардорлар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқув-машғулотларига

рини билдириб, тақлифларини ўртага ташлади. Шунингдек, "Хайрли тонг, анжуман" лойиҳаси доирасида ҳудудларнинг миллий урф-одатлари акс этган чиқишлар намойиш этилди.

Анжуман давом этмоқда. Ҳафта давомида таниқли адиблар, сиёсат арбоблари билан учрашувлар ташкил этиш, "Энг намунали ҳудудий сардорлар кенгаши" кўрик-танловининг финал босқичини ўтказиш кўзда тутилган.

Мироншоҳ ЭРКИНОВ

СИҚ МУЛОҚОТ

ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧИ

Ёшлар пресс-клубида "Оила мустаҳкам бўлса, фарзанд бахтли бўлади" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши мутахассислари, фаол ёшлар иштирок этди.

"Мустаҳкам оила" ҳафталиги доирасида ташкил этилган тадбирда оила мустаҳкамлигига салбий таъсир қилаётган омилларга қарши курашиш, ажримларнинг олдини олиш, ёш келин-куевларнинг маънавий оламини юксалтириш бораси-



да қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Таъкидланганидек, ҳафталик доирасида республикамиз бўйлаб оилавий китобхонлик кунлари, диний-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шунингдек, чоршанба "Аҳил оила кўни" деб белгиланди. Жорий йилда мамлакатимизда "Ибратли оила" кўрик-танлови ўтказилиб, оилаларнинг рамзий мадҳияси ҳам яратилди. Мулоқот жараёнида йигит-қизларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари тинганди. Яқинда мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

КИТОБХОНЛИК — МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

250 минг нафардан зиёд йигит-қизлар иштирок этган "Ёш китобхон" республика танлови жуда кўпларнинг мутолаага иштиёқини оширди. Бугун қанчадан-қанча тенгдошларимиз танлов ғолиби бўлишни ният қилиб, том-том китобларга мук тушган рост. Мазкур вазиятдан келиб чиқиб жорий йил 12 майда Президентимизнинг "Буюк алоомалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини

ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. "Ёш китобхон" танлови ҳудудларда ҳам ижобий акс-садо бериб, таълим муассасалари, вазирлик ва идораларда китобхонлик кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш авж олди. Хусусан, феврал ойда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида старт олган "Китобхонлик — вазифамиз" лойиҳасига тўхталсак.

(Давоми 2-саҳифада)



TASHABBUS

АЁЛЛАР ҚОЛИШМАЙДИ

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетиде иxtирочи хотин-қизларнинг инновацион тадбиркорлик ҳафталигига старт берилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббус этган лойиҳада республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 200 нафардан зиёд аёл бизнес лойиҳалари билан иштирок этмоқда.

Кўмита раиси Танзила Норбоева юртимизда аёлларнинг ижтимоий жабҳалар ва иқтисодийнинг турли тармоқларида самарали фаолият юритишини қўлаб-қувватлаш, оила ҳамда жамиятдаги макенини юксалтиришга доир чора-тадбирлар амалга ошириладиганини, қолаверса, минг-минглаб аёлларимиз шахсий бизнесини бошлаб, янги иш ўринлари яратиб, таътиганини алоҳида таъкидлади.

Ҳафталик иштирокчиларига бизнес режа тузиш, бизнес психологияси, маркетинг асослари, тадбиркорлик фаолиятида интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш каби мавзуларда маҳорат сабоқлари ҳам берилмоқда. Шу билан бирга, инновацион технология ва ишламаналар кўргазмаси ташкил этилди. Инновацион тадбиркорлик ҳафталиги 26 майга қадар давом этади.

Нозима МИЯССАРОВА

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактабларининг 8-10-синф ўқувчилари ўртасидаги "Ҳуқуқ билимдонлари" республика танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Танлов низомига кўра, ҳар бир мактабнинг 8-10-синф ўқувчилари орасидан билими, зукко ва китобхон 5 нафар ўқувчидан иборат жамоа шакллантирилиб, ҳар бир босқичда жамоалар турли шартлар бўйича ўзаро баҳслашди.

Вазирлик маълумотида кўра, "Ҳуқуқ билимдонлари" танлови 3 босқичда ташкил этилди. Илк босқичида 50 минг 447 нафар

ўқувчи иштирок этган бўлса, улардан 1 минг 430 нафари иккинчи босқичга йўллангани кўлга киритди. Якуний босқичда эса 70 нафар ўғил-қиз ўз билимини синовдан ўтказди.

Танлов низомига кўра, ҳар бир мактабнинг 8-10-синф ўқувчилари орасидан билими, зукко ва китобхон 5 нафар ўқувчидан иборат жамоа шакллантирилиб, ҳар бир босқичда жамоалар турли шартлар бўйича ўзаро баҳслашди.

Республика босқичида жамоалар тест ва савол-жавоб орқали билимларини намойиш этган бўлса, саҳна кўринишларини

ёшлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва турли иллатларга қарши курашиш масалаларига алоҳида урғу бердилар.

Навоий вилоятининг «Парвоз» жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. Хоразм вилоятининг «Оқсак маънавиятли авлод» жамоаси 2-ўринга сазовор бўлди. Тошкент шаҳрининг «Фемиди» жамоаси 3-ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга вазирликнинг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ, ЯХШИ ЯШАШГА ИНТИЛИШИ ВА ИШТИЁҚИ ОРТМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу ерда «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамиятида кукунли антибиотик ишлаб чиқариш, вилоятда фармацевтика sanoatini ривожлантиришга оид бошқа лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди.

19 май куни Андижон туманидаги «Andijan Silk.Co» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси пиллани қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йирик мажмуани ишга туширди. Президентимиз корхона фаолиятига дастур берувчи раъсий тугмани босди. Бу ерда амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги қарори асосида ташкил этилган «Ўзбекистансаноат» уюшмаси томонидан бүгунги кунда тармоқни жадал ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни жалб этиш, ипак куртини янгира усулда парваришлаш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш орқали пилла сифати ва миқдорини ошириш, аёллар ва ёшларни доимий иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

«Andijan Silk.Co» қўшма корхонасининг қурилиш ишларига 5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Пиллани қайта ишлашни ташкил этиш учун 2 миллион 100 минг доллар эвазига Хитойда ишлаб чиқарилган ип йиғирув ва тикув машиналари келтириб ўрнатилди. Натияжада 150 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Жорий йил охиригача ишчилар сони 300 тага етказилади.

Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, йилга 300 тонна пилла қайта ишланади. 2018 йилнинг ўзига 5,1 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилди.

Бутун дунёда сифатан ипак матоларга талаб катта. Бундан йилга уч марта даромад оلسа бўлади. Демак, пиллачиликни ривожлантириш, кўпроқ бург берадиган тут плантацияларини кўпайтириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда трикотаж, чарм-пайабзал, қурилиш материаллари, ип-калава ва газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ўтган йилги таширфи давомида Асака туманида замонавий иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан танишган

эди. «Асака» банкнинг туман филиалидан лойиҳа учун 1,5 миллион доллар маблағ ажратилиб, «Сабо ҳамкор» МЧЖ томонидан 5,8 гектар майдонда гидропоника усулида банан ва помидор етиштирилмаган 2 та иссиқхона барпо этилди. Туркиянинг «Asya Modern Serachilik» компанияси билан тузилган шартномага асосан ушбу маблағ эвазига хориждан иссиқхона ускуналари олиб келинди.

«Сабо ҳамкор» МЧЖ томонидан бу ерга қўшимча 500 минг доллар маблағ сарфланиб, ўмумий қиймати 2 миллион долларлик лойиҳа жорий йил март ойида тўлиқ ишга туширилди.

25 минг туп помидор кўчати экилган 1 гектарлик иссиқхонада жорий йилда 300 тоннагача ҳосил олиш ва қўшни давлатларга экспорт қилиш мўлжалланмоқда. 2 гектарда ташкил этилган иссиқхонада тажриба тариқасида 5 минг туп банан кўчати парваришланмоқда. Банандан биринчи мавсумда 250-300 тонна ҳосил олиш кутиммоқда.

Президентимиз банан етиштирилётган иссиқхонани кўздан кечирди. Уни кенгайтириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва саклаш шароитини яратиш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбарига иссиқхоналарнинг компьютер орқали бошқарилаётган совутиш ва мўътадил иқлим яратувчи тизими ҳақида ҳам маълумот берилди. Замонавий технология асосида иссиқхоналарга ўз вақтида керакли ҳарорат, минерал ўғит ва намлик берилди.

Туркиялик ҳамкорлар кўчат парваришдан то ҳосил етиштиришгача бўлган жараёни назорат қилиб бориш учун агрономлар жалб қилган. Шунинг ҳисобига 2-3 ойда етиладиган помидор ҳосилини 1-1,5 ойда олиш, икки йилда уч марта банан етиштириш мумкин бўлади.

Шавкат Мирзиёев кам иш кучи сарфлаб юзори ҳосил олиш имконини берувчи бундай иссиқхоналарни кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

— Мамлакатимизга импорт қилинадиган банан пишмасдан узилади. Табиийки, бундай мевада витамин ва озуқа моддалари кам бўлади. Юртимизда бундай тропик меваларни етиштириш ҳар жиҳатдан фойдали бўлади, қолаверса, валюта тежалди, — деди Президентимиз.

Шу ерда 2018-2019 йилларда Анди

жон вилоятида аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Андижон вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар туғрисида маълумот берилди. Жорий йилда мазкур йўналишдаги 40 лойиҳа ижроси натижасида 32 минг тоннадан зиёд сўт, 400 тоннадан ортиқ гўшт етиштирилди. Тармоқда жами 649 иш ўрни яратилди.

Ўтган йили вилоятга таширфи давомида Президентимиз Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалини ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Ҳозирги кунда филиалда 9 илмий ходим фаолият юритмоқда. Вилоятда давлат ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Агар 2016 йилда ўрмон хўжалиги ерларида янги 8 гектарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган бўлса, режага кўра жорий ва келаси йилда бу кўрсаткич 830 гектарга етказилади. Амир ва тоғолди хуудаларида pista, ёнғоқ, нўхат, лавия етиштирилиб, кўплаб доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбари филиалда инновацияларни ривожлантириш бўйича фонд тузиш, вилоятда заъфарон ва наъматак каби доривор ўсимликлар етиштириш бўйича иқтисодий зона ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

— Ўрмон хўжалигида инновация қилмасак, даромад олиш қийин, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шунинг учун Андижон вилояти ўрмон хўжалигида инновацияларни ривожлантириш ва кўлаб-қувватлаш бўйича 3 йилга мўлжалланган махсус қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жорий йилда 11 тумандаги 300 гектар майдонда янги ҳовузалар барпо этилиб, балиқ етиштириш ҳажми 450 тоннага ошди. Бундан ташқари, томорқаларда ҳамда 1050 гектар шולי майдонда Хитой ва Виетнам технологиялари асосида балиқ етиштириш йўлга қўйилди.

Президентимиз балиқчилик, паррандачилик ҳисобидан аҳолининг гўштага эҳтиёжини таъминлаш қарақчилигини таъкидлади. Шунга мувофиқ, тармоқда ҳосилдорликни камида 12-15 минг тоннага

етказиш вазифаси қўйилди.

Вилоятда мева-сабзавот экспортини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлаш, тўқимачилик кластерини ташкил этиш, ип йиғирув ва тўқув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди. Бундай чора-тадбирлар қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли даромад манбаини янада оширишда муҳим омили бўлиш таъкидланди.

Президентимиз Улўнор туманидаги «Шахроибод» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган бунёкорлик ишлари билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.

Бугун Шахроибод маҳалласи бутунлай янги қиёфа касб этган. 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқдаги 22 кўп қаватли уйнинг томлари янгилашиб, атрофида қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 7,3 минг квадрат метр майдонга брусчатка ётқизилди, ёритиш чироқлари, ўриндиқлар, 1 минг 570 метр масофага лотоклар ўрнатилди. Уйлар ёнида тандирхоналар қурилди. Бундан ташқари, маҳалла идораси, тўйхона, ҳаммом, мин-маркетлар барпо этилди.

Маҳалла хуудидида жойлашган туман «Баркамол авлод» маркази, 20-ўмумтаълим мактаби, 3-мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди.

Давлатимиз раҳбари оқсоқоллар билан сўхбатда мамлакатимизда кенг кўламада бошланган қишлоқларини ободонлаштириш дастури одамлар ҳаётига янги мазмун олиб кираётгани, бундан одамларнинг кунгли тоғай кўтарилиб, эртанги кунга ишонч ортаётганини таъкидлади.

— Муборак Рамазон ойи кунларида Андижон вилоятига таширфи буюриб, тадбиркорлар ва аҳоли билан учрашайотганимиз, вилоят келажиги учун катта-катта режалар қилаётганимиз заманида чучур маъно бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу улў кунларда амалга ошираётган ишларимиз андижонликлар ва бутун халқимизга хайр-барока олиб келсин, обод қишлоқларимиз кўпайсин.

Шу кун Улўнор тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари ва мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоселектор шакилидаги йиғилишда иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, қўшимча манбалар топшиш ҳисобидан иш ўринлари ташкил этиш, таълим, тиббиёт соҳаларини тақомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қўролми Кучлар Олий Бош Қўмондо-

ни Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига таширфининг иккинчи куни Шарқий ҳарбий округга қарашли қисмда бўлиб, янги Муздофаа доктринаси ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ҳарбий қисмларда бир қатор таркибий-ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди — озиқ-овқат таъминоти бўйича аутсорсинг тизими жорий қилинди, ўқув бинолари, ётоқхоналар, спорт зали ва майдонлари замонавий таъмирланмоқда. Бу ҳарбий хизматчиларнинг бутун куч-ғайратини профессионал малака ва жанговар шайлигини оширишга қаратиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчиларнинг спорт машғулотларида қатнашиш жараёни билан қизиқди.

— Ҳарбийларимиз жисмонан бақувват, маънан юксак, Амир Темур, Жалолидин Мангуберди каби буюк саркардаларимизга муносиб бўлиши керак, — деди Президентимиз. — Бунинг учун улар жисмоний машғулотлар билан бирга, ҳар кун китоб ўқиши, тил ўрганиши, дунёқарашини кенгайтириши зарур.

Ҳарбий қисм хизматчиларининг маънавийтини юксалтириш учун дам олиш кунлари бу ерда олимлар ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилади, саҳна асарлари намойиш этилади.

Шавкат Мирзиёев аскарлар, зейиллар билан сўхбатлашди. Учрашувда шахсий таркибининг маънавий-руҳий тайёргарлигига етарлича эътибор қаратиш, бунинг учун зейиллар, маънавий тарбиячиларни билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ҳарбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш, жойларда фаолият юритаётган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада тақомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз вилоятга таширфи давомида Андижон шаҳрида аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, уй-жойга эҳтиёжини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ўтган йилги таширфи доирасида Андижон шаҳрининг «Ўзбегим» маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилаётган 7 қаватли 5 та уй билан танишиб, бу ери замонавий массивга айлантириш бўйича тавсиялар берган эди.

Собиқ консерва заводининг ўрни бўлган бу ерлар қаровсиз, кўримсиз жойлар эди. Президентимизнинг топширигидан сўнг бу ерда 5 та уй қурилиб, 2017 йил декабрь ойида ўз эгаларига топширилди. Уйлар билан бирга хуудуага оройиш бериб турган замонавий инфра-

тузилма барпо этилди, атрофга ўриндиқлар ўрнатилиб, болалар майдончалари, минн-маркет, дўкон, новвойхона, автотураргоҳ қурилди.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг топшириги асосида хуудуа яна 9 та, шаҳар бўйича жами 14 та кўп қаватли уй қурилмоқда. Турар-жойларни жорий йил сентябрь ойида ўз эгаларига топшириш кўзда тутилган.

Маҳалланинг шимолий қисмидаги ҳовиллар ўрнига ҳам кўп қаватли уйлар, 1000 ўринли мактаб, 280 ўринли боғча, меҳмонхона, маиший хизмат курсатиш шохобчалари қуриш режалаштирилган.

Президентимиз Андижонда аҳолини уй-жой билан таъминлаш долзарб эканини инобатга олиб, шу йилнинг ўзида қўшимча яна бешта 7 қаватли уй қуриш бўйича топшириқ берди.

— Шу тариқа бу йил Андижон шаҳрида 19 та, яқин йилларда жами 50 та кўп қаватли уй бунёд этилади. Янги уйлар Андижонда уй-жойга эҳтиёжини таъминлашга эришиш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Андижон шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган Бош режаси ва шаҳарда амалга оширилаётган бошқа илтимой инфраутилма объектларини қуриш-реконструкция қилиш лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Бугунги кунда Андижон шаҳрида 422 минг аҳоли 15 минг гектар жойда истиқомат қилмоқда. Президентимизнинг ўтган йилги топшириги асосида «Ўзшаҳарсозлик/ИТИ» ДУК томонидан шаҳарнинг янги бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда Андижон тумани ва қисман Олтинқул тумани хуудидан 6 минг 300 гектар майдон Андижон шаҳрига қўшиш кўзда тутилган.

Президентимиз Бош режада кўзда тутилган мақсадларга эътибор қаратади. Андижон шаҳридаги Девонабоб масжиди ҳамда Ю.Отабеков кўчасини капитал реконструкция қилиш лойиҳалари юзасидан ўз тақлиф ва тавсияларини берди. Мазкур кўчадан оқиб ўтувчи канал бўйи ободонлаштирилиб, атрофида одамлар дам оладиган сайилгоҳ барпо этилмоқда. Ҳозирги кунгача каналнинг 500 метр қисмидаги ишлар бажарилган, Мустақиллик байрагини 3,5 километрик қисми тўлиқ обод этилди.

Шавкат Мирзиёев барча лойиҳаларни бажаришда сифат ва муудатга эътибор қаратиш, узоқ келажакни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлади.

Зиёулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭАМУРОДОВ,
Умар АСРОРОВ,
Ўза махсус мухбирлари



БИР СОНИЯ ҲАМ АҲАМИЯТЛИ

Жиззахда «Ёш ўт ўчирувчи» мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди

Малик СИНДОРОВ

Беллашув вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва Ёшлар иттифоқининг хуудиди кенгаши ҳамкорлигида ёнғин ўчириш амалий спортини оммалаштириш мақсадида ташкил этилди. Унда барча туман ва шаҳарлардан 13 жамоа иштирок этди.



Ўқувчилар ҳарбий спорт, 100 метри тўсиқдан ошиб югуриш, ўқув миносисига чиқиш, эстафета шартлари бўйича куч ва маҳоратини намойиш этди.

1-ўринга Пахтакор туманидаги 2-ўмумтаълим мактаби ҳамда Жиззах шаҳридаги транспорт алоқа касб-хунар коллежи жамоалари сазовор бўлди. Барча совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

КИТОБХОНЛИК — МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Танловнинг биринчи босқичида 14 нафар йигит-қиз иштирок этди. Улар ўзбек ва жаҳон адабиётининг йирик намоёндалари асарлари гоёси, мазмун-моҳияти ҳақида устоз ва тенгқурларига сўзлаб берди. Ҳар бир чиқиш баҳс-мунозара ва муҳокамаларга бой бўлди.

— Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасини ўқиб чиқдим, — деди 3-босқич талабаси Бобур Ўбайдуллаев. — Бежиз машҳур француз адаби Луи Арагон «Жамила»га жаҳондаги энг гўзал севги қиссаси, дея баҳо бермаган экан. Китобнинг ҳар бир саҳифаси кўнглимга нур олиб кирди. Айни пайтда Навоий ва Бобур асарлари мутолаасига киришганман.

Танловнинг иккинчи босқичида китобхонларнинг билими блиц-саволлар орқали синновдан ўтказилиши кўзда тутилган.

Айтиш керак, лойиҳа доирасида китобхонлик маданиятини ошириш, жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш, адабий-бадиий ва энциклопедик адабиётларни кўпайтириш масалаларига ўру берилмоқда.

— Бугун китобхонликни тарғиб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — деди философа фанлари доктори, профессор Сайёра Тўйчиева. — Бу борада давлатимиз раҳбарининг ўзи барчага ибрат қўрсатмоқда. Илк хорижий сафарда

ЖАМОАТЧИЛИК NAZORATI

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 64-модда

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 64-модда

МАКТАБГА БОРМАГАН 14 ЯШАР ЙИГИТ

Давлат НАЗАР, журналист

Ёшлар иттифоқи Қўшқўпир тумани кенгаши фаоллари кенгаш раиси Фурқат Рўзметов бошчилигида уюлмаган ёшларнинг хонадонига кириб, ўрганиш ишларини олиб борди.

«Довуд» маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳмуджон Авазов 14 ёшта бормайди. Ўсмирнинг ота-онаси ўн саккиз йил бурун уй-жойини сотиб, Тошкент вилоятига кўчиб кетган. Аввалги эр-хотин ижарада шохона ҳаёт кечирди. Бироқ ётиб еганга тоғ ҳам чидамас, дейдилар. Ниҳоят пул тугаб, оила танг аҳволда қолди. Орада учинчи фарзанд — Маҳмуджон дунёга келди. Оила боши Шокиржон Авазов



эса, ишлаш учун Россияга жўнайди. Бошида у бир-икки сўм юбориб турган, аммо бора-бора оиласини буткул унутиб қўйди. Уч боласи билан кўчада қолган Мухаббат Оллаберганова ноилж уларни ота уйига олиб келади. Маҳмуджон биринчи синфга борган, холос. Кейин онасини қийим-кечак ва ўқув қуроллари сотиб олшига қурби етмагани боис, бола ўқишдан қўлиб кетади...

Ёшлар иттифоқи Маҳмуджон Авазовни ўз қарамоғига олади. Индивидуал машғулотлар ўтиш учун унга «Довуд» маҳалласидаги 9-ўмумтаълим мактабидан ўқитувчилар бириктирилди.

Давлатимиз ёшларга шунчалик имконият ва имтиёзлар яратиб берган бир пайтда 14 яшар боланинг мактаб қўрмай яшайтгани ўқитган адалотсизлик эмасми?! Ахир, у кимсиз орол эмас, шу жамиятда, сиз бизнинг ораимизда яшайпти-ку!

Маҳмуджон билан сўхбатлашдик. У таълим олишга жуда иштиқманда эканини, яхши ўқиб, келажакда ҳарбий бўлмақчилигини айтиди. Шу йилнинг мунгли нигоҳига боқиб, унинг аянчи тақдирини учун жамиятнинг бир аъзоси сифатида ўзимни ҳам айбдор ҳис қилдим. Аслида боланинг бегонаси бўлмайдими. Шундай экан, атрофдагиларга беварқ бўлмайлик. Этанг, лоқайлик халқни таназзулга бошлаши аниқ.

Санжар ЭШМУРҚАОВ



Китоб қорингни туй-
ғазармида, дейди баъзи
нодонлар. Кимдир эса, ўзи
биллиб-билмай шу фикрда
эканини амалда кўрсатиб

ҳам қўймоқда. Урганч
шаҳридаги гажмун манзил-
ларнинг бирида сиз сурат-
да кўриб турган мана бу
ҳолатга дуч келиб, бошимиз

қотди. Қизиқ, уйдабурон
сотувчиларимиз ўз маҳсу-
лотини намойиш этишининг
китоб дуконини тўсишдан
бошқа йўлини топмадимикан?
Мана сизга илмга хур-
мату маърифатга эътибор!

ХУРМАТИНГИЗ ШУМИ, ТАДБИРКОР?

PSIXOLOG MASLANATI

— Ёшим 25 да. Бироқ ҳанузгача ўзимни
оила қуришга тайёр эмасдек ҳис қиламан.
Ичимдаги қўрқувни енга олмапман. Нима
қилсам бўлади?



Феруза ҲАСАНОВА
Шаҳрисабз шаҳри

Саволга психолог Акобир
АБДУЛЛАЕВ жавоб беради:
— Оила қуришга тайёр
эмаслик ҳисси онг остида,

масалан, кўрган-эшитган-
ларингиз таъсирида пайдо
бўлган. Узингизга савол
беринг: оила қурадиган

аёл эғаллаши керак бўлган
билим-кўникмаларни ўз-
лаштирмаганингиз учун ха-
вотирдамисиз ёки мукаммал
шахсни излаясизми? Агар
биринчиси бўлса, масалани
тезда ҳал қилиш мумкин.
Айтилик, ўқув курсларига
бориб, рўзгор тутумини
ўрганса бўлади.

Борди-ю, идеал инсонни
кутаётган бўлсангиз, вазият
бироз мураккаб. Чунки
бу дунёда ҳеч ким мукам-
мал эмас. Эрак ва аёл оила
қургач, бир-бирини тўди-
ради. Сизда йўқ хусусиятлар
турмуш ўртоғингизда ёки
аксинча бўлиши мумкин.
Эр-хотин қўш ҳўкиз, деб
бежиз айтилмайди.

Ҳар қандай муаммони ҳал
этиш мумкин, фақат бунга
ишониб керак. Маслаҳатим,
салбий ўй-фикрлардан ҳалос
бўлинг, кайфиятни кўта-
рувчи мусика тингланг ёки
саёхатга чиқинг.

Маффуза ИБРОҲИМОВА

Икки томонига қоратол экилган асфальт
йўл ёқалаб кетаётган Ойдин овозини
баланлатганича қўшиқ айтиб, у ёқ-бу
ёққа қараб қўярди. Соқлари қора, юзлари
оппоқина, эпчил ва шаддо бу қизнинг
кўнгли беғубор. Кайфияти яхши бўлганда
қўшиқ айтишдан ўзини тийиб туролмасди.

БОЛАЛИКДАН

(ҲИКОЯ)

СЎНГИ ХОТИРА



Ойдин уйига келганида
қўлида сумка билан далага
кетаётган Захро опасига
кўзи тушди:
— Кетмай туринг, мен
ҳам бораман, — деди у ва
боққа қараб югурди. Зум
ўтмай, қўлида ўроқ билан
қайтиб келди.
— Фақат ўртоқ билан
ўйнаш йўқ, менга ёрдам
берсан, — олдиндан
огоҳланганди Захро.
— Ҳўп!

Опа-сингил янги кў-
рилган уйлар оралаб чанг
қўчалардан юриб кетди.
Ҳаммаёқ кўм-кўк дала. Ҳар
замонда ичишлар кўришни
қолади. Опоқ лўппи пахта-
лар Ойдиннинг кўзига
жуда қиройли кўринди.
Югуриб бориб бир чаноқ
пахтани узиб олди.
— Анави заҳқаш атро-
фидаги тупроқ уюмлари
нимага ўхшайди? — сўра-
ди Ойдин опасидан.
— Телаикка, — жавоб
берди Захро.

— Йўқ, туюннинг ўрқачи-
га ўхшайди, — билангонлик
қилди Ойдин.
Бу пайтда улар заҳқаш-
га етиб олган, у ердан
ёввойи жийда тағида
ўтириб олган болалар-
нинг шовқини эшитилиб
турарди. Ойдиннинг
хаёлидан: “Болалар нега
бунча шовқин соляпти?
Мен ҳам борсаммикан?”
деган ўй ўтди, аммо опаси
койишини эслаб, фикри-
дан қайтди: “Улар заҳқашни
кесиб ўтиб, шолди экил-
ган далага чиқди. Ойдин
сап-сарик олтиндек тов-

ланаётган шолди пояларига
ўроқ тортар экан: “Ўзи
нимага келдим? Келмасам
бўларкан, кечгача шундай
ишласам, овқат емасдан
ухлаб қолишим тайин”, —
дея афсусланди.
— Опа, бирпас чар-
чоғини ёзиб олсам
майлими? Эгилвериб
чарчадим, қўлларим толиб
кетди.
— Майли, борақол фақат
эҳтиёт бўл, ҳамма ёқда
янтоқ ўсиб ётибди. По-
яфазалингни юм, — деди
Захро ва шолди ўришда
давом этди.

Ойдин опасининг жаво-
бини кутмай, алақачон
заҳқаш томонга чопқилаб
кетганди. У тепаликнинг
устига чиқиб, болаларни
кузата бошлади. Қора ит
ва ола мушук бир-бирига
қараб турарди. Ойдин му-
шугини бирдан таниди.
— Мушугини қўйиб
юбор! — бақирди у.
— Қўйвориб бўлман,
қопга солиб олиб кел-
ганимча озмунча қий-
налимми? Мана қара,
— деб Шоқир қафтларини
кўрсатди. Унинг қўллари
тимааланган эди.

Нова, қора соч, бугдой-
рн Шоқир қишлоқдаги
энг тўполончи бола. Унинг
дастидан ҳамма дод дейди.
— Агар мушугини ютса,
уни балиқ билан сийлай-
ман. Зап шохона емиш
бўлади-да, — деди киноя
билан Шоқир. Унга қўши-
либ бошқа болалар ҳам
кулиб юборди.
— Балигингни итинга

бер, қўйвор мушугини
ўлдириб қўясан, ахир! —
баттар аччиқланди Ойдин.
— Ҳеч нима қилмайди,
нари борса қочиб кета-
ди, — пинагини бузмай
жавоб берди Шоқир ва шу
заҳоти итининг занжирини
бушати.
Ит ириллаб, важоҳат
билан мушукка ташланди.
Бечора жонивор саро-
симда жонига қочишни
билмас, болалар эса, уни
даврага сиқиб олиб, ўти-
шга қўямасди. Мушукнинг
кўз қорачиқлари кенгайиб,
юнглари янада хурпайди.
Ит ҳамла қилиши билан
миёвлаганича қамчилар
орасига беркинган, аммо
қорнига боланган ип қо-
чишга ҳалақит берарди. Ип
қамиш пояларига урғилиб
қолди. Пайтдан фойда-
ланган кўппак мушукнинг
оёғини тийлади. Мушук
жон ҳолатда миёвлар,
Ойдин эса: “Мушугини
қўйиб юборинглар!” — деб
ёлворарди. Жониворнинг
оёғи қонга беланди. Ойдин
уздан сал нарида ётган
қуриган юлғун шохини
олиб, итининг бошига
урди. Ит увиллаб юборди.

Мушук эса, важоҳат билан
итнинг кўзига чанг солди.
Кўппакнинг кўзлари оқиб
тушди. Мушукнинг юнгла-
ри ҳам қизариб, қонгалаш
бўлиб кетди, бечора оёғи
лат егани сабаб, қочолмай
миёвларди. Шоқир югуриб
бориб, итини бағрига бос-
ди, Ойдинга қичқирди:
— Мушугингни олиб
кет!

Бу воқеани кузатиб
турган болалардан биро-
ви қўрқанидан юзини
беркийтиб олган, кимдир
заҳқашнинг тепасига
чиқиб олганди. Ойдин кў-
лидаги таёқни отиб юбор-
ди. Унинг юзлари оқариб
кетган, мушугига раҳми
кеганидан ўпкаси тўлиб
яйларди. Шоқир эса,
итини занжирлаб юришга
ундади, аммо ит ҳеч нима-
ни кўрмас, ҳадеб қамиш
ва юлғунларга урилди.
Шоқир итининг кўзи кўр
бўлиб қолганини англаб
турса-да, лекин тан олиш-
ни истамасди. У заҳқаш-
дан сув олиб, итининг қон
сизиб оқатган кўзларига,
қонга беланган қулоғи ва
бўянини ювди. Ит оғриқ-
дан тинмай гингшир, ўзи-

ни қаёққа уришни билмас,
панжалари билан кўзлари-
ни сийлашга уринарди.

Шоқир асли бағритош
бола эди, лекин бу ҳолат
унинг қалбига илк бор
шафқат туйғусини уйғот-
ди. У ич-ичидан қилган
ишдан пушаймон бўлиб
яйлар, кўз ёшларини
болаларга кўрсатмаслик
учун ва Ойдиннинг юзига
қарашга ботина олмай, на-
рироққа кетишга уринди.
Ойдин мушугини меҳр
билан силади. Жонивор
жароҳатланган оёқларини
тинмай ялар, безовтала-
нмай, атрофга қарарди...

Кўз охирида борарди.
Болалар аянчли ҳолиса
рўй берган заҳқаш то-
монга юришга ботинол-
масди. Шоқир ҳам анча
ўзгарганди — тўполончи,
безориликдан асар ҳам
қолмаганди. Ҳар сафар
кўзи ожиз итига емак бер-
ганида, қилмиши қандай
оқибатларга олиб келгани-
ни кўриб, юраги эзиларди.

Бу ҳодиса Шоқир билан
Ойдиннинг беғубор бола-
лик даврига якун ясаган,
болаликдан сўнги хотира
бўлиб қолди.

SIZ NIMA DEYSIZ?

ҲИМОЯДАН КЕЙИНГИ “ОДАТ”

бошга битган балодир

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ,
Нукус давлат педагогика
институтини талабаси

Ўқув йили якунлашишга оз
қолди. Кимдир курсдан-курсга
ўтиб, бир поғонага юқорилай-
ди. Баъзи талабалар эса, қадр-
дон олийгоҳи билан хайрлаши-
ши керак.

Бу давларни минг ҳаяжон
билан кутасан, киши. Эртанги
қунга режалар тузасан, касбий
фаолиятингни қаерда давом
этиришинг ҳақида ўйлайсан.
Аммо ҳозир баъзи курсдош
дўстларининг хаёли мутлақо
бошқа нарса билан банд. Улар
мени диплом ҳимоясидан сўнг
нимага билан “сыйлаш” ҳақида
бош қотирмоқда. Эшитиб жуда
таажубландим.

Битирув малакавий ишини
ҳимоя қилиб чиққан талабалар-
нинг устига сув, рангли бўёқлар,
кетчуп, билуыр яшил ва бошқа
турли суюқликларни пурқаш
“аньянаси” борлиги ҳақида
эшитгандим. Бироқ, очинги,
бунчаланича борилишига сира
ишонгим келмасди. Тавба, бун-
дай бачкана қилиқни ким ўйлаб
толган экан?! Кўп йиллик тажри-
бага эга устозимиз, факультети-
миз декани муовини Сапарбой
Атиязов шундай деди:
— Э, бу тутириқсиз ода-
ттидан кўпгина дилхиралек-
лар келиб чиққан. Ҳар йили

талабаларни огоҳлантири-
миз. Бефойда, кўпига гап қор
қилмайди. Институт ҳудудида
бир амаллаб чидаб турар, аммо
бинодан ташқарига чиқиши
билан “хўнар”ини кўрсатади.
Икки-уч йил олдин диплом
ҳимоясидан чиққан бир тала-
ба-қизини курсдошлари ариққа
отиб юборган. У ариқдан чиқиб
турган металл симларга урилиб,
оғир жароҳатланганди.

Яна бир мисол. Бир йигит
ҳимоядан чиққан дўстига
челақдан сув сепаман деганида
боғиғи ўзини олиб қочади. Шу
пайт челақнинг тигли лаби бо-
шига тегиб, бирпасда қип-қиз
қонга беланади.

Ҳайрон қоласан киши. Биз
қандай жамиятда яшаймиз
ўзи?! Наҳотки, бекорчиликдан
ўйлаб топилмаётган қилиқлар
бировга озор етказиши мум-
кинлигига фаҳимимиз етмас?
Ёки била туриб атайин қила-
мизми? Бундан кимга, нима
наф?! Хуллас, одамлар ҳаёти
ва соғлиғига хавф солувчи
бундай “одад”га барҳам бер-
моқ зарур. Тўрт йил машаққат
билан илм олиб, эндигина
касб-қорни бўлдим деганда
бўлмагур ҳазилнинг ортидан
майиб-мажруҳ бўлиб қолишни
ким ҳам истаيدди. Шундай экан,
қош қўяман деб, кўз чиқариб
қўймайлик, азизлар!

QING, BU QIZIQ!



Германия маст ҳолатда на-
фақат автомобилларни, балки
велосипедларни ҳам бошқариш-
ни таққиллаган дунёдаги ягона
мамлакат ҳисобланади.
Бунга қарангки, мазкур давлат-
да тоғ велосипедларини тегиши
ҳайдовчилик гувоҳнома-
сиз бошқариб бўлмайди. Қолаверса,
психологик ва тиббий экспертиза
натижаларига қўра, ушбу ҳуқуқ
бекор қилиниши ҳам мумкин.

BILASIZMI?

Юртимиздаги барча таълим му-
ассасалари ўқувчи ёки талабалари
дарс бошланишидан олдин уяли
телефонини ўчириб, сумка-
сига солиб қўйиши шарт. Мазкур
қоида бузилган тақдирда, ўқит-
увчи телефони олиб қўйиши мумкин.
Ушбу норма 2012 йилнинг 21 майида
ҳукумат қарори билан тасдиқланган
Ўзбекистон Республикаси таълим
муассасаларида мобил телефонлардан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
низома белгиланган.



руйхатдан ўтказилиши шарт.
Кўп қаватли уйнинг алоҳи-
да квартирасида қўшиллар ва
хусусий ўй-жой мулкдорлари
ширкати розилиги билан фақат
биттадан ит ва мушукни сақла-
шга рухсат берилди.

Тураржой биноларида итлар-
нинг эгалари тинчлик сақла-
ниши таъминлаши — эрталаб соат
8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан
кейин итларнинг вовиллашига йўл
қўймаслиги керак.

Маммулотлар Алия вазирлигининг “Ҳуқуқий ахборот” каналдан олинди.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

ЎЗИМИЗ-ДА ибрат бўлайлик

Дилноза АБДУҲАМИДОВА

Юртимизда ёшларни китоб мутолаасига жалб этиш
давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Республика-
миз бўйлаб кўтаринки руҳда ўтказилмаётган китоб-
хонлик танловлари ҳам фикримиз исботидир. Бироқ
ҳали-ҳанузгача катта авлоднинг ёшлар китоб ўқима-
ётганидан нолиётгани қулоғимизга чалинмоқда. Шу
ўринда савол туғилади: ҳўш, ёшларимиздан кўнгли
тўлмаётганларнинг ўзи фарзандаларига қандай намуна
кўрсатмоқда?

Китоб — инсон маъ-
навиятини юксалтирув-
чи омил. Маънавият
эса, қудратли кучдир.
Аммо, баъзи ҳолларда
мана шу кучни Аб-
дулла Қаҳҳор таъбири
билан айтганда, ўтин
ёриш учун сарфлаёт-
ганимиз ачинарли ҳол.
Зеро, китоб инсонни
кеча ва бугун билан
боғлаб туривчи ришта,
ўтмишдан сабоқ бе-
рувчи муаллим, нури
келажак сари элтувчи
йўлдир. Унда одам ва
олам сирлари, ҳаёт
фалсафаси, умрлар
ибрати, ҳаёт ҳақиқа-
ти ўз аксини топади.
Китоб орқали инсон
ўзини-ўзи тарбиялаб,
қўсурлардан холи
бўлиб боради.

Биз ўтмиши улуғ,
келажаги буюқ халқ-
миз. Қанчадан-қанча
талотупларни кўрган
бу замин ўз бағрида
не-не алломо, даҳо-
ларни улғайтирмади
дейсиз. Мозийдан
бизга теран нигоҳлар
билан қўриб турган
Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳ-
мад Яссавийлар, Имом
Бухорий, Форобий,
Навий ва Бобурлар-
нинг бой мероси ҳали
ҳам ўрганилмоқда.
Улар яратган асарлар
дунё ҳамжамиятини
ҳайратга солаётгани
бор гап.

Шундай экан, бугун
ота-оналаримиз рўзгор
юмушларига ҳаёт
ташвишларидан орт-
тиб фарзандини қайси

алломанинг мероси-
ни ўрганиш, ўқиш ва
тарғиб этишга унда-
япти. Беш қўл баравар
эмас. Боласига зиё
улаштиришга интилаётган-
лар ҳам битта.
Шуни унутмангки,
сахийлик, тўғрисузлик,
камтаринлик, саховат-
пешалик, ростгўйлик,
адолатпарварлик каби
эзгу хислатлар қалби-
мизга китоб орқали
сингади. Унинг заввори
шунчалик буюкки, аср-
лар ўтса ҳам қадр-қим-
матини йўқотмайди.
Аксинча, юрагингизда
янги орзу-истаклар
пайдо қилади, фикр-
лашга, мустақил қадам
ташвишларига ундайди.
“Ёшларимиз мутлақо
китоб ўқимаяпти”,

деган асосиз фикрдан
бироз чекинган ҳолда,
“Фарзандим ёки ўқув-
чиларимга ибрат бўлиш
учун қандай китоб ўқи-
моғим керак?” — деган
саволга жавоб излаш
пайти келмадимикан?!
Бировдан камчилик то-
пиш осон. Қичикларга:
“Сен ундай қилишинг
керак. Компьютер,
телефон титқиланганча
китоб ўқисанг бўлмай-
дими!” — дейишдан
аввал, аввало, ўзимиз
уларга шахсий намуна
курсата олмоғимиз
даркор.

Ҳурматли ота-она-
лар, жонқуяр устозу
мураббийлар, ёшлар
турбиясига бевосита
масъул эканингизни
унутманг.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОКИ
МАРКАЗИ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлигида 2017 йил
2 августда № 0242 рақами
билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов,
Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер
Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов,
Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош
муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина
Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь
Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб
 (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар
Хусанович
Абдуллаев Хуршид
Уктамонович
Навбатчи
Ақбаржон Абдураимов

«YOSHLAR OVOZI»дан
материалларни кўчириб босиш
тахририят руҳати билан
амалга оширилиши шарт.
Тахририятга келган
кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида.
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Қорхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма: Г-536
Адади — 22176
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириш вақти — 23.35
УзА язуни — 23.05
Офсет усулида босилган.